8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

O`zbekistonda sog`liqni saqlash
Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 4 декабрь • № 47 (1328)

*Тиббий хатлов* — *Қашқадарё вилояти*

# МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ ВА КАТТА ФИДОЙИЛИК КЕРАК

***Эътирофлиси шундаки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг, аввало, инсонлар саломатлиги, соғлиқни сақлаш тизими, шунингдек, соҳа ходимлари фаолиятига қаратаётган эътибор ва ғамхўрликлари барчамизни қувонтирмоқда. Бунинг ифодаси сифатида таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз ҳар лаҳзада соҳа мутахассисларининг машаққатли меҳнатларини юқори баҳолаб, улар меҳнатига юксак ишонч билдириб келмоқдалар.***

Айниқса, Давлатимиз раҳбари тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соҳа фидойиларига самимий табрик йўллаб, ўзларининг қуйидаги эътирофга муносиб фикрларини билдириб ўтдилар: *«Халқимиз сизларни дунёдаги энг улуғ касб эгалари, муқаддас қасамёдига содиқ, ўз ишига фидойи инсонлар деб билади ва машаққатли меҳнатингизни юксак қадрлайди. Бутун халқимиз қатори бугунги оғир синовлардан мардона ўтаётган, замонамизнинг чинакам қаҳрамонлари бўлган, сиз тиббиёт ходимлари ана шундай масъулиятли вазифаларни адо этишда фаол иштирок этиб, барчага ўрнак ва намуна бўласизлар, деб ишонаман».*

Ҳа, албатта, бундай рағбатларга муносиб шифокору ҳамшираларимиз, қолаверса, тизимда фаолият кўрсатаётган барча ходимлар янада шижоат билан фаолиятларини давом эттирмоқдалар.

Таъкидлаш муҳимки, Президентимиз ҳар бир ҳудудга ташриф буюрганларида тизимда амалга оширилаётган ишларга жиддий эътибор қаратиб, эришилаётган муваффақиятлардан мамнун бўлиб, қаерда қандай муаммолар бўлса, ўша ерни ўзида муҳим тавсия ва топшириқлар бериб, соҳанинг янада юксалишида ўзларининг беқиёс ҳиссаларини қўшмоқдалар. Агар биз юқоридаги фикрларимизни мужассам этадиган бўлсак, унинг замирида инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлиги ётганлигини кўрамиз.




Маълумки, Юртбошимиз 2020 йилнинг 12 ноябрь куни пандемия шароитига иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш, одамлар ҳаётини яхшилаш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятига ташриф буюрган эди. Айниқса, Давлатимиз раҳбари мазкур вилоятнинг таълим ва тиббиёт соҳасидаги фаолият ва унинг сифати масаласига катта эътибор қаратди. Жумладан, тор соҳалар бўйича 257 та, бирламчи бўғинда 855 та шифокор етишмайди. Ҳудудда қўшимча 18 та оилавий поликлиника ва 30 та оилавий шифокорлар пунктларига талаб мавжуд. Ҳар бир оилавий поликлиникага ўртача 25-30 минг нафардан фуқаро тўғри келиши лозим

**(Давоми 2-бетда).**

# АНТРОПОМЕТРИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАДБИРЛАРИ ХОЛИС ЁРИТИЛАДИ



**Маълумки, айни кунларда Қашқадарё вилоятининг барча ҳудудларида аҳолини тиббий хатлов ва антропометриядан ўтказиш тадбирлари бошланди. Шу муносабат билан 3 декабрь куни мазкур жараённинг ташкил этилиши, уни ёритишда журналистлар эътибор қаратиши зарур бўлган ҳолатларга ойдинлик киритиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Эльмира Баситханова бошчилигидаги соҳа мутасаддилари иштирокида Қарши шаҳрида оммавий ахборот воситалари билан мулоқот ўтказилди.**

Унда вазир ўринбосари ҳудудларда аҳолини тиббий хатлов ва антропометриядан ўтказиш жараёнлари ўзи нима экани, ундан кўзланган мақсад, кутилаётган натижалар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг бу жараёнларда тиббиёт ходимлари билан ҳамкорлигининг аҳамияти ҳақида тушунтиришлар берди. Бундан ташқари, вилоятнинг соғлиқни сақлаш соҳасига масъул раҳбарлари иштирок этган мулоқотда тиббий хатлов ва антропометриядан ўтказиш тадбирларида маҳаллий ва давлат ҳокимияти органларининг вазифалари тақсимотига ҳам ойдинлик киритилди. Жумладан, вилоят ҳокимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари ва тиббиёт бирлашмаларидан токи оилавий поликлиника ва оилавий шифокор пункти ходимларигача жараёнда қай тартибда иштирок этиши, уларнинг вазифалари нималардан иборат экани батафсил изоҳланди. Хонадонларда патронаж ва антромертиядан ўтказишнинг сифатли ташкил этиш учун тиббий бригаданинг ҳар бир ўрта тиббиёт ходими кунига 6 та хонадонни самарали ўрганиши лозимлиги таъкидланди.



Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ҳабибулло Оқилов аҳолини тиббий хатлов ва антропометриядан ўтказишда рақамлар реаллигини таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Хатлов пайтида хонадон аъзоларидан бирортаси уйда бўлмаган тақдирда бошқаларнинг сўзига асосланиб тахминий рақамлар ёзиб қўйишга йўл қўйилмаслигига тиббий бригада ходими шахсан жавобгар бўлиши зарурлигини айтди.

**Эслатиб ўтамиз, тиббий хатлов тадбирлари 20 кун давомида Қашқадарё вилоятининг барча ҳудудларида ўтказилади.**

*Тиббий хатлов*

# МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ ВА КАТТА ФИДОЙИЛИК КЕРАК

бўлса-да, вилоятда бу кўрсаткич 90 мингтани ташкил этади. Йиғилишда шу каби муаммолар, мавжуд имкониятлар таҳлил қилиниб, Қашқадарёни комплекс ривожлантириш ва аҳолининг ҳаёт шароитини яхшилашга доир устувор йўналишлар муҳокама қилинди.

**Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳрида қашқадарёлик ўқитувчи ва мураббийлар, тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди.** Маълумки, 30 октябрь куни таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, 6 ноябрда эса соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини тубдан ўзгартириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишлари ўтказилган эди. Бу икки соҳа бўйича Президентнинг алоҳида фармон ва қарори ҳам қабул қилинди.

– Бу икки соҳани ривожлантирмасдан туриб рақобатбардош мамлакат бўла олмаймиз. Келажакни соғлом миллат, билимли авлод қуради, – **деди Шавкат Мирзиёев.**

Шу ўринда, айтиш лозимки, Қашқадарёда мактаблар аҳволи ҳам, тиббий хизмат сифати ҳам қониқарсиз эканлиги тилга олинди. Муаммолар жуда кўп. Ота-оналар таълим тизимидан норози. Аксарият аҳолининг турмуш тарзи, овқатланиш рациони тўғри эмас. Шу боис бу соҳаларда бошланган ислоҳотлар вилоят учун ўта муҳим ва зарур.

Президентимиз бу борадаги янги иш тизимидан мақсади, педагог ва шифокорлардан кутаётганлари ҳақида кўнглидаги

(Давоми. Боши 1-бетда).

гапларни айтди. Мактаб директорлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, таклифларини қўллаб-қувватлади.

– Таълимдаги ишлар ҳам, тиббиётдаги ҳам игна билан қудуқ қазишдек гап, натижаси тез кўринмайди. Бунинг учун машаққатли меҳнат, катта фидойилик керак. Бошланган ислоҳотларнинг амалга ошиши, халқимизнинг рози бўлиши шунга боғлиқ. Бу йўлда сизларга ишонаман, суянаман, – **деди Давлатимиз раҳбари.**

Мазкур ташрифга ҳамоҳанг тарзда, 2020 йилнинг 12 ноябрида Президентимизнинг «Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолияти ҳамда аҳолига кўрсатилаётган патронаж хизматини тубдан яхшилаш тўғрисида»ги 309-сонли буйруғи қабул қилинди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонида қўйилган вазифалар ижросини тўлиқ амалга ошириш, хонадонларни хатловдан ўтказиш, хонадонларда антропометрияни амалга ошириш, профилактик кўриклар ўрнига ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳолининг гуруҳга мансублигидан келиб чиқиб, муайян касалликлар бўйича даврий скрининг текширувлари, такомиллаштирилган тиббий профилактика ва патронаж хизмати, мавжуд патронаж кўрикларини мақбуллаштириб, янгиланган мақсадли патронаж тизимини жорий қилиш масалалари қўйилди. Шунингдек, меъёрий ҳужжатда жорий йилнинг 1 декабрь кунидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда туман/шаҳар тиббиёт бирлашмаларида “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш” марказий, ҳудудий ва туман/шаҳар штаблари ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Бунинг баробарида, вазирликнинг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш” Марказий штаби тузилмаси ва штаб аъзоларининг ҳудудлар бўйича тақсимоти ва намунавий таркиби, унинг Низоми, хонадонда антропометрияни ўтказишда амалий кўникмалар бўйича йўриқнома, хатлов ва антропометрик ўлчовлар натижаларини қайд қилиш журналининг шакли, аҳолини хатлов ҳамда антропометрик текширувлардан ўтказиш натижалари бўйича ҳисобот ва хонадон тиббий картаси шаклларининг иловалари тасдиқланди. **Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига қуйидаги топшириқлар берилди:**

*2020 йил 1 декабрдан бошлаб “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш” ҳудудий ҳамда туман/шаҳар штабларининг фаолиятини таъминлаш;*

- *штабнинг ҳар бир аъзосига амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни тўлиқ тушунтириш;*
- *асосий йўналиш ва вазифалардан келиб чиқиб, аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ташкиллаштириш, жумладан, аҳолини хатловдан ўтказиш, антропометрияни амалга ошириш;*
- *мақсадли скрининг текширувларини ўтказиш ва мақсадли патронаж билан қамраб олиш бўйича амалга оширилган ишларнинг тизимли мониторингини олиб бориш;*
- *амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни, танқидий таҳлил қилинган ҳолда, кунлик маълумотларни туман/шаҳар штаблари томонидан* ***ҳар куни соат 20:00 га*** *қадар ҳудудий штабларга ва-ҳудудий штаблар томонидан туман/шаҳарлар кесимидаги миқёсида ҳисоботларни кейинги кун* ***соат 12:00 га*** *қадар вазирликнинг марказий штабига тақдим этиб бориш вазифалари юклатилди.*

**Вазирлик Марказий штабининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:**

- *аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ташкиллаштириш ва кўрсатиш, унинг сифат ва самарадорлигини оширишда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш;*
- *ҳудудий ҳамда туман/шаҳар штаблари, муассаса раҳбарлари ҳамда тиббиёт ходимларига мунтазам равишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;*
- *ҳудудий ҳамда туман/шаҳар штаблари, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг фаолияти мониторингини амалга ошириш ва натижаси асосида доимий таҳлил жараёнини ташкиллаштириш мақсадида жойлардан олинган ҳисоботларни* ***ҳар ҳафта соат 16:00 да*** *вазирликда муҳокама қилиш ва раҳбариятга маълумот киритиш масалалари қўйилди.* Бунинг баробарида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 27 ноябрдаги 309-сонли буйруғи асосида **«Хонадонда антропометрияни ўтказишда амалий кўникмалар бўйича йўриқнома»** ишлаб чиқилди. **Ушбу меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича Қашқадарё вилояти тажриба сифатида олинди.**

Шунингдек, бу жараёнлар биргина Қашқадарё вилояти балки, бутун мамлакатимиз ҳудудларида ҳам татбиқ этилади.

# АҲОЛИНИ ТИББИЙ ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИШ БОШЛАНДИ

***Айтиш муҳимки, Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида юртимиз бўйлаб аҳолини тиббий хатлов ва антропометриядан ўтказиш тадбирлари бошланди. Ушбу лойиҳага республиканинг барча ҳудудларидан намунавий туман ва шаҳарлар, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида эса барча туман ва шаҳарлар қамраб олиниши белгиланган.***

***Юқорида таъкидлаганимиздек, Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига сўнгги ташрифи чоғида Қашқадарё вилояти мисолида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг мутлақо янги тизимини жорий қилиш бўйича топшириқлар берилган эди.***



Шу муносабат билан жорий йилнинг 29 ноябрь куни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган махсус штаб вакиллари юқоридаги меъёрий ҳужжатлар ижросини амалга ошириш мақсадида Қашқадарё вилояти тиббиёт ходимларига услубий-амалий ёрдам бериш учун ташриф буюрдилар. Ташрифнинг 1-2 кунлари штаб вакиллари вилоятда мавжуд 13 та туман тиббиёт ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари ҳамда жараёнда фаол иштирок этадиган соҳа ходимларига қабул қилинган қарор, фармон ва буйруқ ҳамда йўриқномаларининг мазмун моҳияти ва мақсади тўғрисида кенг тушунча бериб ўтдилар.

Семинар тарзида ўтказилган йиғилишларида туман ҳокимликлари ҳам иштирок этишди. Шунингдек, жараёнлар бошлангунга қадар штаб вакиллари туман тиббиёт бирлашмалари, кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникаларида бўлишиб, у ерда тузилган штаб фаолияти, тадбир давомида тиббиёт ходимлари томонидан амалга ошириладиган жараёнларда қўллайдиган тиббий жиҳозлар (тарози, пульсоксиметр, танометр, сантиметр лентаси) мавжудлигини ҳам кўздан кечиришди. Бундан ташқари, хонадонларда бўлишиб уларнинг мазкур тадбирига бўлган муносабатлари тўғрисида фикрлашиб, тарғибот ишларига эътибор қаратишди. Тиббий хатлов жараёни олди тайёргарлиги тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазирилигининг штаб вакиллари, ҳокимлар ва тиббиёт муассасаларининг раҳбарлари қуйидаги фикрларни билдириб ўтдилар.





**Ҳабибулла ОҚИЛОВ, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор:**

– Аввало Қашқадарёда бирламчи бўғиннинг бутунлай янги тизимини яратиш, тиббий хатловни амалга ошириш борасидаги ишларни намунали тарзда тарзда ташкил этиб, бошқа вилоятларга ибрат сифатида кўрсатиш кўзда тутилган. Воҳанинг 3 300 000 дан ортиқ аҳолисининг ҳар бирининг антропометрик ўлчовларини олиб, хатловдан ўтказиш – бу машаққатли меҳнатни талаб этадиган, ўта долзарб аҳамиятга молик иш. Барча мутасаддиларга хатловни тегишли йўриқномаларга мувофиқ равишда уюшқоқлик билан амалга ошириш бўйича зарур тушунтиришлар бердик. Қашқадарёлик фуқаролардан шуни сўрамоқчимизки, бу тадбирларда фаол иштирок этайлик, бу энг аввало ўзимизнинг, оила аъзоларимизнинг соғлом келажаги учун амалга оширилаётган тадбир эканлигини англаган ҳолда тиббиёт ходимларининг меҳнатининг қадрига етайлик, уларга кўмакдош бўлайлик.

Албатта, бундай кенг қамровли тадбирни ўтказиш осон кечмайди. Бунинг учун ҳар бир хонадон эгаси жараённи тўғри тушунган ҳолда хатлов ўтказишда фаол бўлишлари лозим. Агар бир мақсадда бирлашиб, олдимизга қўйилган вазифага масъулият билан ёндашсак, мазкур тадбирни ўз вақтида якунлаб оламиз.

(Давоми 3-бетда).

*Қашқадарё вилояти*

# АҲОЛИНИ ТИББИЙ ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИШ БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 2-бетда).

**Бекзод СУЮНОВ,**
**Ғузор тумани ҳокими:**

– Бу тадбир замирида муҳтарам Президентимизнинг биз қашқадарёликларга бўлган ишончлари ва юксак эътиборлари ётади. Чунки, инсонлар саломатлигига олий қадрият сифатида қаралишига биз ҳокимлик вакиллари ҳам масъулият билан ёндашишимиз зарур. Шу кунларда ижтимоий кўмакка муҳтож ёшлар ва хотин-қизларни темир дафтарга киритиш бўйича хатловлар ўтказиб келинмоқда. Бу рўйхат энди аҳолини хатлов ва антропометриядан ўтказиш тадбирлари ҳам киритилди. Буларнинг ҳаммаси ҳам инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Вилоятимизда давлатимиз раҳбарининг бирламчи тиббий санитария тизимига оид чиқарган қарор ва фармонлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқ ва йўриқномалари асосида ўтказилаётган хатлов тадбирлари ҳам уюшқоқлик билан давом этмоқда. Жараёнолди Соғлиқни сақлаш вазирлигидан ташриф буюрган Штаб вакиллари туманимизда бўлиб, мутасадди раҳбарлар билан семинар ўтказишди. Унда ўзим ҳам иштирок этдим. Албатта, бу каби кенг миқёсдаги тадбир замирида ўзига яраша муаммолар борлиги ҳам яққол кўзга ташланди. Йўриқномада кўрсатилган барча талабларни бажариш, унга жиддий ёндашиш, шунингдек, сохта рақамларга йўл қўймаслик, айниқса, хонадонларга кириб борганда тузилган бригадалар тўлиқ маълумотга эга бўлишлари зарур. Фаолиятим давомида шу нарсага амин бўлдимки, бу жараён ҳамжиҳатликда, ҳамфикр билан иш юритишни талаб этади. Шу ўринда, вазирликнинг барча мутасадди раҳбарларига ўз миннатдорлигимни билдираман. Чунки, улар тадбирга тайёргарлик ҳолатларини кўздан кечириб, муаммо бўлиб турган масалаларга жойида амалий ёрдам кўрсатишди. Шундай экан, туманимиз аҳли билан биргаликда ушбу тадбирларни ижобий кўрсаткичларга билан якунланишига ҳисса қўшамиз.

**Алишер ШАДМАНОВ,**
**Тошкент тиббиёт академияси ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

– Қашқадарёлик тиббиёт ходимлари олдида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган тарихий вазифа турибди, десак муболаға бўлмайди. Бирламчи бўғиннинг янги тизимини намунавий тарзда шакллантириш - ҳар бир тиббиёт ходимидан катта масъулият талаб этадиган жараён. Айниқса, тиббий хатлов антопометрия тадбирларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу ишни биргина патронажга ташлаб қўйсак, яна тахминий ёки ёлғон статистика юзага келиши мумкин. Хонадондаги хатловда белгиланган ҳар бир мезон бўйича рақамлар реал бўлиши шарт. Зеро биз ҳозир фақат бирламчи маълумотларни жамлаяпмиз, кейинроқ бу маълумотларнинг динамикаси бўйича яна ишланади, таҳлил қилинади. Тиббий хатловимизнинг яна бир аҳамияти шундаки, бу пандемия шароитида кузатилиш эҳтимоли бўлган иккинчи тўлқин олдидан ўзига хос тайёргарлик ва ташхислаш жараёни ҳамдир. Хатлов пайтида пульсоксиметрда хонадондаги ҳар бир кишининг сатурацияси ўлчаниши, шунингдек, соғлом турмуш тарзи бўйича индивидуал суҳбатларнинг ташкил этилиши, албатта, бу борада ўз самарасини бериши шубҳасиз.



**ХАТЛОВ ДОИРАСИДА**

***Айни пайтда вилоятда жами 1535та тиббий бригада аъзолари уйма-уй юриб, тиббий хатловни амалга оширишмоқда. Шунингдек, вилоят марказидаги даволаш муассасаларида яна 42 та қўшимча ёрдамчи тиббий бригадалар ҳам шакллантирилди.***



**Рихси САЛИХОДЖАЕВА,**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ҳамширалик иши» бўйича бош мутахассис, тиббиёт фанлари номзоди, доцент**:

– Айни пайтда, Қашқадарёлик тиббиёт ходимлари олдида ўта масъулиятли ва жиддий вазифа турибди. Вилоятда 3 300 000 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Албатта, Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага оид қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар замирида инсон саломатлиги мужассам эканлигини кўрамиз. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 6110-сонли Фармони ҳам халқимиз саломатлигига қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур фармон ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирининг 309-сонли буйруғи қабул қиилинди. Буйруқ асосида эса хонадонда антропометрияни ўтказишда амалий кўникмалар бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар албатта, республикамизнинг барча ҳудудларда татбиқ қилинади. Биринчи навбатда Қашқадарё вилояти тажриба сифатида олиниб, аҳолиининг тўлиқ қисми тиббий хатлов ва антропометрик ўлчов ва текширувлардан ўтказилади. Мазкур жараёнлар бошланишидан олдин вазирликнинг штабдаги вакиллари иштирокида тиббиёт муассасаларининг раҳбар ва ташкилотчилари, ҳокимликлар, тадбирда фаолият олиб борувчи тиббиёт ходимлари ҳамда аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Бунинг баробарида натижаларни умумлаштириш ва кунлик ахборот алмашинуви бўйича тузилган, штабдаги шарт-шароитлар билан танишилди. Бундан асосий мақсад аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг мутлақо янги тизимини жорий қилишдан иборатдир. Жумладан, Қашқадарё вилоятдаги тиббий хатловни амалга ошириш борасидаги ишларни намунали тарзда амалга ошириб, бошқа вилоятларга ибрат сифатида кўрсатиш ҳам назарда тутилган. Бу машаққатли меҳнатни талаб этадиган долзарб жараён ўлчов тасмасидан тортиб, махсус тарози, пульсоксиметрик, танометргача яъни хатлов учун зарур бўлган барча ускуналар билан таъминлаш чоралари кўрилди. Хатлов тадбирлари бир қаторда хонадонларда бўлиб, аҳолига соғлом турмуш тарзи, жисмоний фаоллик, айниқса, пиёда юриш, шу билан бирга соғлом овқатланиш борасида ҳам тарғибот ишларини ҳам ташкил қилишимиз керак. Мана уч кундирки, тадбир жараёнлари бошлаб юборилди. Айни пайтда ташкил этилган 1 535 та тиббий бригада аъзолари уйма-уй юриб, тиббий хатловни амалга оширишмоқда. Тадбирнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, тиббий олий ўқув юртлари ва клиник ординатуранинг Қашқадарёлик талабаси ўз уйида яшаб, ўзларига яқин ҳудудлардаги яқин поликлиникалар тиббий бригадаларга бириктирилган ҳолда ўз устозлар назорати остида тиббий хатлов тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Энг асосийси тахминий статистика эмас, ҳақиқий рақамлар зарур. Шунингдек, аҳолининг электрон базасини яратиш ҳам муҳим вазифаларидан биридир. Албатта, ушбу жараёнларда ҳар биримиз фаол иштирок этсакгина кўзланган мақсадларимизга эришамиз.



**ХАТЛОВ ДОИРАСИДА**

***Шунингдек, мамлакатимиздаги тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида бакалавриатнинг юқори босқичлари, магистратура, шунингдек, клиник ординатура (резидентура)нинг 763 нафар қашқадарёлик талабаси, уларнинг 75 нафар мураббийси ҳам мазкур хатловга яқиндан кўмак беришмоқда.***



**Ботир ДАМИНОВ,**
**Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор:**

– Талабалар, магистрлар ва клиник ординаторларга ортиқча ташвиш туғдирмаслик учун улар имкон қадар ўз уйларига яқин ҳудудларга бириктирилди. Улар бевосита институтдан бириктирилган мураббийлари ва тиббий бригададаги оилавий шифокорлар назорати остида хонадонма-хонадон юриб, антропометрия тадбирларига кўмаклашишмоқда, соғлом турмуш тарзига доир тарғибот суҳбатларини ташкил этишаяпти. Шу орқали институтда олган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашмоқда. Бу жараённинг яна бир жиҳатига эътибор қаратишни истардим. Одатда қашқадарёлик талабалар таҳсилдан сўнг пойтахтдаги ёки вилоят марказидаги марказий шифохоналарда қолиб ишлашга ҳаракат қилишади. Бу эса чекка ҳудудларда кадрлар тақчиллигини келтириб чиқаради. Президентимизнинг бирламчи бўғинга қаратаётган алоҳида эътибори, хусусан, оилавий шифокор нуфузининг оширилаётганлиги бу муаммонинг ечимида муҳим аҳамият касб этади. Мана шу тиббий хатловдаги амалиёт жараёнида ҳам мутасаддилар бўлғуси шифокорларга бунинг моҳиятини тушунтириб, уларни ўз ҳудудларига жалб этишга куюнчаклик билан ёндашишлари зарур.

(Давоми 4-бетда).

*Қашқадарё вилояти*

# АҲОЛИНИ ТИББИЙ ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИШ БОШЛАНДИ

**Умида ГАЗИЕВА,**
**Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш Бош бошқармаси бош мутахассиси**

– Айни кунда Қашқадарё вилояти аҳолисини хатлов ва антропометриядан ўтказиш жараёнлари қизғинлик билан олиб борилмоқда. Ҳар бир жараён йўриқномада кўрсатилган талаб ва қоидалар асосида ташкил қилинмоқда. Жумладан, тиббий бригадалар, хонадон патронажи ва тиббий хатловни электрон тизимда шакллантирилган. Антропометрик ўлчов ва текширувлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, тиббий маълумотларни планшетга киритиш ва умумлаштириш учун махсус электрон дастур ишлаб чиқиш, хонадоннинг тиббий картаси, маҳалла, туман "Саломатлик профили"ни яратиш, аҳоли орасида тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик одатларини шакллантириш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Мана 3 кундирки, жараёнлар қизғин олиб борилмоқда. Тадбир жараёнда, ҳар бир бригада бир кунда 6 та хонадонни кўриб чиқиш имкониятига эга бўлмоқда.

Бригадаларда тиббиёт ходимлари билан бир қаторда талаба, магистр ва клиник ординатурлар ҳам биргаликда фаолиятларни амалга оширишмоқда. Шунингдек, ташкил этилган ҳар штаб ўзи белгиланган механизм асосида иш юритмоқда. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ташкил этилган Штабга келиб тушаётган маълумотлар белгиланган вақтда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика штабига етказилмоқда. Жараёнларда антропометрик ўлчовларни ўтказиш бўйича зарурий тиббий буюмлар етарли. Туманлар миқёсида амалга оширилаётган жараёнлар бириктирилган мутассадилар томонидан доимий назорат қилиб борилмоқда. Таъкидламоқчиманки, бундай кенг қамровдаги тадбирнинг ўзига яраша муаммолари ҳам йўқ эмас. Хонадонларга борилганда оила аъзоларининг сони тўлиқ эмаслиги, айрим шахсларнинг доимий рўйхатда бўлмаслиги ёки рўйхатдан чиқиб кетган бўлса-да, яшамаслиги анчагина муаммо туғдиради. Биз бу каби ҳолатларни олдини олишда улар фаолият юритаётган ташкилот раҳбарлари билан ҳамкорликдаги ишларни йўлга қўйдик. Эзгу мақсадлар билан бошлаган мазкур тадбиримиз ўз самарасини беришига ишончим комил.

**Барно ОДИЛОВА,**
**Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори:**

– Барчамизга маълумки мамлакатимизда касалликлар профилактикаси, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, айниқса тўғри овқатланишни маданият даражасида шакллантириш, жисмоний фаолликни қўллаб-қувватлаш, шахсий гигиена кўникмаларини одат тарзига айлантириш, ёшларнинг зарарли одатларга қармалигини олдини олиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимиз томонларидан яқин кунларда қабул қилинган фармон ва қарорлар айнан шу мақсадларга қаратилганлиги билан, режалаштирилган ислоҳотлар эса инсон манфаатларига йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Бугунги кунда республикамизнинг ҳар бир ҳудуди бугунги кунда кенг "Саломатлик майдони"га айлангандек, гўё. Қайси бир маҳаллага кирманг, нажоткор ҳамшираларимиз хонадонларга ташриф буюриб, оиланинг барча аъзоларини махсус текширув саволномалардан ўтказиб, саломатлик ҳолатларини баҳоламоқдалар. Бу жараёнда нафақат касалликлар, балки уларни келтириб чиқарувчи хавф омиллари (ортиқча вазн, зарарли одатларга берилганлик, рационал овқатланмаслик ва б.) аниқланади. Овқатланиш характери ва жисмоний фаоллик ҳолатларини баҳолаш орқали эса уларга тегишли маслаҳатлар бериш тизими жорий қилинди.

Энг асосий ушбу амалиёт бир маротабалик акция сифатида эмас, илмий асосланган ва тизимли тарзда ташкил қилинмоқда. Ушбу амалиёт профилактик тадбирлар мажмуасининг **биринчи босқичи** бўлиб, унинг натижасида хонадонларнинг "тиббий картаси" шакллантирилади. **Иккинчи босқичда** аниқланган хавф омилларидан келиб чиқиб, мақадли скрининг дастурлари амалга оширилиб, унинг натижалари бўйича ҳар бир маҳаллаларнинг "Саломатлик профили" шакллантирилади. **Учинчи босқичда** скрининг натижалари бўйича касаллик аниқланган беморларни индивидуал назорат, соғломлаштириш ва реабилитация тадбирлари амалга оширилади. Ушбу жараёнда соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари асосий модератор сифатида, республика тиббиёт олийгоҳлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари тиббиёт ходимларига бевосита услубий ва амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.







**Зебинисо ҚАНОАТОВА,**
**6-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори:**

– Тасаввур қилинг, бир хонадонда 5 киши бўлса, барчасининг бўй узунлиги, тана вазни, бел айланаси, тана вазни индекси, бел айланаси (болаларда бош ва кўкрак айланасини ҳам), артериал қон босими, пульси, сатурациясини ўлчаш, уларни ўта аниқлик билан электрон базага муҳрлаш ва тегишли тартибда тарғибот суҳбатини ўтказиш қандай машаққатли ва нозик жараён. Амалиётчи талабаларимизга раҳмат, бу ишларда бизнинг ҳақиқий қанотларимизга айланишган.

– Бугун хонадонимизга шифокорлар хатловга келишди, – **дейди Нефтчилар маҳалласида истиқомат қиладиган Зайнаб ая Азимова.** – Барака топишсин, каттаю кичик барчамизни эринмасдан кўрикдан ўтказишди. Кераклі тавсияларни беришди. Ҳар бир хонадонда бунча ишни бажаришнинг ўзи бўлмайди. Шу сабабли ҳар бир киши бу тадбирнинг ўз саломатлиги учун муҳим эканлигини англаб етиши, бу тадбирларда фаол қатнашиши, хатлов куни оиланинг ҳар бир аъзосининг уйда бўлишини таъминлаши керак экан. Буни қўшниларимга, маҳалладошларимга ҳам тушунтираяпман.

**Мазкур тиббий хатлов тадбирлари 20 кун давомида Қашқадарё вилоятининг барча ҳудудларида ўтказилади. Тадбирнинг тўлиқ тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларида танишиб борасиз.**

(Давоми. Боши 1-3 бетларда).

**1-4 саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади. Муаллиф олган суратлар.**

*Хоразм вилояти*

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

**Шу йилнинг 10 ноябрида қабул қилинган "Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилоятининг Урганч шаҳри ва туманида аҳолини тиббий хатлов ва антропометриядан ўтказиш тадбирлари бошланди.**

Мазкур тадбирларни ташкил этиш мақсадида Урганч шаҳрида 66 та, Урганч туманида 67 та тиббий бригада ташкил қилинди. Тадбирларга 133 нафар врач, 559 нафар ўрта тиббиёт ходими жалб этилди.

– Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 309-сонли буйруғи асосида Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмасида координатор, бўлим мудирлари, бош ҳамшира, бош мутахассислар, статист шифокор ва аҳоли соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаолликни ошириш шаҳар бўлинмаси бошлиғидан иборат штаб ташкил қилинди, – **дейди Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Абдулла Раҳимов.** – 143 844 нафар шаҳар аҳолисини хатловдан ўтказишда шаҳримиздаги 3 та оилавий поликлиника ходимлари ва Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали магистратура ва бакалавриат босқичи талабалари иштирок этмоқда. Ҳар бир тиббиёт ходими белгиланган тартибда зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Ҳар бир бригадага маҳалалар, кўчалар кесимида хонадонлар бириктирилди. Ҳар бир бригада бир кунда 6 та хонадонни тиббий хатловдан ўтказиши белгиланган. Зарурат туғилганда тор соҳа мутахассислари иштирокида тиббий кўриклар ўтказилиши белгиланган. Тиббий кўрикка биринчи навбатда 7 ёшгача уюшмаган болалар, туғиш ёшидаги 35 ва ундан катта аёллар, 65 ва ундан катта ёшдаги уюшмаган фуқаролар жалб қилинади.

– Хатловнинг биринчи куни 36498 хонадонда истиқомат қилувчи 197 512 нафар аҳолини тиббий хатловдан ўтказишда 7 та қишлоқ оилавий поликлиникаси, 1 та оилавий шифокор пункти, 1 та кўп тармоқли поликлиника ходимлари иштирок этмоқда. Антропометрик ўлчовлар билан бирга хонадоннинг овқатланиш маданияти ва жисмоний фаоллигига доир маълумотлар ҳам шакллантирилмоқда, – дейди **Урганч туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг амбулатор хизмат бўйича ўринбосари Шерзод Машарипов.** – Бу тадбирлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Антропометрия (тана вазни, тана вазни индекси, бўй, бел айланаси, (болалар учун бош ва кўкрак айланаси), артериал қон босими, пульс, сатурация ўлчовини олиш) натижалари бўйича барча маълумотлар тегишли жадвалга мувофиқ йиғилади ва электрон базага киритилади. Махсус электрон дастур асосида умумлаштирилади, улар асосида хонадоннинг электрон "Тиббий картаси", маҳалла ва туманнинг "Саломатлик профили" шакллантирилади. Тиббий хатловларнинг биринчи кунида 798 хонадонга ташриф буюрилди. Натижалар шу куннинг ўзида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида умумлаштирилди. Хатлов жараёнида тиббиёт ходимлари ва талабалар томонидан соғлом турмуш тарзига оид суҳбатлар ташкил этилмоқда

# ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

## Давлат тили борасида соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида

***Ҳадиси Шарифда айтилишича “Тил миллат кўзгусидир”. Ўтмишдан маълумки, давлат тили мавжуд жамият маънавиятининг ва тараққитёининг асосини ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан, давлат тили кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг бир бутун бўлиб, жипслашиши ва жамиятимиз ривожланишининг асосидир, калитидир.***

Шундай экан, ҳали ҳанузгача кўпгина давлат тилида иш юритиш имконияти етарли бўлган ташкилотларда ҳам ҳамон иш рус тилида юритилаётганлигини қандай тушуниш ёки баҳолаш мумкин?! Давлат тили тўғрисидаги қонунга, Президент фармонига муносабат шу даражада бўлиши керакми? Мутасадди ташкилотлар ва жавобгар раҳбар шахсларнинг нега бу ҳолатга эътиборлари суст? Булар барчаси давлат тилининг амалга жорий қилиниши жараёнини сустлаштиради, муддатини узайтиради, охир оқибатда миллий давлатчилик хусусиятига путур етказади. Бу борада мавжуд имкониятларни бутун шижоати ва омилкорлигини ишга солган ҳолда қонун устиворлиги асосида мақсадимиз сари йўналтириш талаб қилинади. Негаки, бу келажак жамиятимизни беками кўст бунёд этишимизнинг адолатли ва қонуний шартларидан биридир.

Бу борада биринчи навбатда вазирликда 2018 йилдан бошлаб, барча чиқариладиган буйруқ ва кўрсатма хатларнинг барчаси давлат тилида чиқарилмоқда

Шу нуқтаи назардан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ушбу масалада вазирликнинг “Вазирлик тизимидаги муассасаларда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш ҳамда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этиш тўғрисида”ги алоҳида буйруғи билан тасдиқланган Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча муассасаларда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил этиш ва унинг ижросини назорат қилиш бўйича Ишчи гуруҳи тузилиб, унинг олдига вазирлик тизимидаги муассасаларида Давлат тилини қонунда белгиланган тартибда жорий қилинишини ташкиллаштириш ва унинг ижросини сифтли амалга оширилишини назорат қилиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди.

Шунингдек, вазирлик тасарруфидаги барча Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, бўлинмаларида, жумладан, тиббиёт таълими, даволаш-профилактика муассасалари, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, илмий-амалий марказларда ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, мулкий мансублигидан (Давлат ва нодаввлат) қатъий назар тиббиётга алоқадор барча тиббиёт муассасаларида ҳужжатлар, ёзишмалар, кўчаларга ўрнатилган реклама баннерларининг сўзсиз давлат тилида (ўзбек тили) юритилишини таъминлаш, бинолари пештоқидаги номлар ва унинг ичидаги хоналар эшигидаги атама биринчи навбатда давлат тилида ва заруратдан келиб чиқиб, ундан кейин бошқа тилларда ёзилиши, муассасаларда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда амал қилинишини ташкиллаштириш бўйича Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича муассаса раҳбарининг маслаҳатчиси тайинланиб, давлат тили масаласидаги ишларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича жамоатчилик назорати ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2009 йилда давлат тили асосида яратилиб, нашр этилган 2 жилд, икки тилли, ўзбек-рус, 20000 мингта тиббий атамалардан иборат “Тиббий терминлар энциклопедик луғати”нинг ҳозирда ҳаммабоп, тўлдирилган нашрини тайёрлаш устида ишлар олиб борилмоқда.

Тилга хиёнат – халққа, миллатга, давлатга хиёнатдир!

Турли хилдаги ва даражадаги хиёнатлар ҳақида кўп гапириш ва уларнинг ҳолат даражасидан келиб чиқиб, кечириш мумкиндир, лекин, давлат тили борасидаги, халққа, миллатга, давлатга қилинган хиёнат умуман кечиримга лойиқ эмас.

Бир оғайнимдан анча илгари латифанома кинояни эшитгандим. Унинг айтишича рус мактабига ўқишга берган қизини ўзбекчани ҳам ўзлаштирсин деган мақсадда ўқувчиларнинг ёзги таътили даврида вилоятга, ота-онаси яшайдиган қишлоққа юборади. У ерда ўзига тенгдош кўп қизалоқ дугоналар билан танишади, улар билан дўстлашади. Оғайним қизини кўргани бориб қараса, бутун қишлоқ қизлари русча сўзлашаётган эмиш... Бу албатта латифанома ҳодисадир. Лекин эътибор берилиб, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва инсонларга бўлган меҳр – оқибати нуқтаи назаридан қаралса, қишлоқ қизларининг меҳмон қизнинг кўнглини оғритмаслик учун қилинган саъйи ҳаракати маҳсулидир. Худди шундай халқимизнинг мамлакатимиздаги бошқа миллат вакилларининг дилини оғритмаслик учун улар билан асосан рус тилида бўлган мулоқатлари ҳам уларга инсонийлик муҳаббатининг рамзидир холос. Уларга миллат ва тил масаласида тобелик эмас! Буни тўғри тушунишлари ва яшаётган мамлакатнинг давлат тилида сўзлашишга ўрганишлари учун уларга етарлича вақт берилди, барча шароитлар ва имконият яратилди. Натижа эса, ўзгармади. Қонун эса барча учун баробардир.

Бошқа тилларни ўрганишни ҳеч ким тақиқламайди ва бу инсон камолотининг бир бўғини сифатида олиб қаралади. Лекин, ҳамма учун кўринарли бўлган йўналтирувчи ва чорловчи барча ёзувлар: эълонлар, атама-номлар, таклифлар, пештахта ёзувлари ва шу қабилидаги барча эслатмалар ёзилишида давлат тилида бўлишини таъмилаш ва заруратдан келиб чиқиб, бошқа тиллардаги ёзувлар ҳажм жиҳатидан давлат тилидан қуйида кичик ҳажмда бўлишига эътибор бериш ҳар бир ватанпарвар ва миллатпарвар, шу ватан фарзанди учун муқаддасдир.

Мустақил давлат бўлиб ривожланишнинг энг асосий устунларидан бири бу ўз сўзи ва давлат тилига эга бўлишидадир. Иттифоқ даврида ҳеч кимга сир эмас, алоҳида республика бўлган билан тил эркинлиги чегараланган эди. Русий забон давлатлар ва баъзи бир русий забон ўзбек фуқаролари бўлмиш кимсалар, шунингдек, ўзбекистонда туғилиб, шу ватанда камол топган айрим бошқа миллат вакилларининг ўзбекистон фуқароси бўла туриб, давлат тилига бўлган ғаразли муносабатлари ҳеч бир халқаро ва инсоний қоидаларга тўғри келмайди. Менимча уларнинг ўзлари ҳам ғараз мақсадли кимсалар томонидан маълум бир рағбатлантириш ҳисобига ўзгаларнинг нағорасига ўйнашаётганлигини жуда яхши билишади. Яна бир томони ўзбек бўла туриб ўз она тилида равон мулоқат қила олмаган баъзи бир кимсалар ижтимоий тармоқларда рус тилини яхши билганлар яхши ишларга жойлашиши мумкинлигини, шунга қарамасдан ўзбекистонда рус мактаблари гўёки ёпилиб кетаётганлигини ва рус тилини билмасдан мамлакатни ривожлантириш таназзулга юз тутишини “башорат” қилишмоқда. Бундай калтафаҳм баҳонада мустақил давлатга нисбатан бўлган беғаразлик, адолат ва ҳақиқат, асос қани?!

Шу каби кимсаларга нисбатан бировнинг уйига ўз ўриндиғини олиб бориб у ерни ўзиники қилиб олиш мумкин бўлмаганидай, бошқа давлат миллий тилини ўзи мансуб бўлган давлат тилидан устун қўйиш ғирт инсонийлик фазилатини йўқотган (космополит) ватанфуруш, хоинларга хосдир демасдан илож йўқ.

Давлат тили тақдири – ўзбек тилига муносабат эволюциясидир.

Инсоният тараққиёти давомида тарихий манбаларнинг гувоҳлик бериши бўйича, ўзбек тилининг амал қилиш хронологиясига эътибор қилсак, тахминан қуйидагича ҳолатга дуч келамиз:

2020 йил сентябрь ойида инсоният тарихида биринчи марта ўзбек тилидаги нутқ БМТ минбаридан янгради.

7 асрда юртимизга араб истилочилари бостириб келди, натижада 8-9 асрларда илм тили тўлиқ араб тилига ўтказилди.

892 йили туркий эл саркардаси Исмоил Сомоний ҳокимиятни қўлга олиб давлат ишларини форсий тилга ўтказди. 999 йили Моварауннаҳрни Қорахонийлар тўлиқ қўлга олишиб, давлат бошқаруви яна форсий тилда давом этаверди, чунки давлат бошқаруви Авесто давридаёқ эронийлар қўлига ўтгандан буён давлат форсий услубда бошқарилган эди.

Қорахонийлардан Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Кошғарийлар давлат тилини туркий тилга ўтказишга роса уринишган, аммо ҳокимият форсийзабонлар қўлида эди.

1212 йили хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад қорахонийлардан ҳукмронликни қўлга олгач, давлат бошқаруви тўлиқ ўзбек тилига ўтказилади. Бу даврда илм тили – араб, адабиёт тили – форсий, ҳарбий тил – туркий бўлиб қолди.

Мўғил босқини даврида ким қайси тилни билса, шу тилда иш олиб борилаверган. Мўғиллар кўпроқ маҳаллий халққа имо-ишора билан мурожаат қилишган. Гўёки ҳайвонларга қандай муомила қилсак, улар ҳам шундай муомила қилиб кетаверган.

Темурийлар даврига келиб, давлат ҳужжатлари туркийлаштирилган. Аммо, бу жойда ҳам бир аниқ тартиб йўқ эди. Илм тили ҳамон араб тилида, шерият тилида форсий забон устуворлик қилган, ҳарбий-давлат бошқаруви туркий тилда. Мирзо Улуғбек ҳам форсий ва туркий тилларни аралаштириб ишлатган.

Хиротда Алишер Навоий туркий тил ҳимоячиси бўлиб келди ва давлат тилини тўлиқ туркий тилга ўтказишга эришган. Адабиётда ҳам туркий тилнинг устуворлигини амалда исботлади.

Шайбонийлар даврида ҳам туркий тил ҳимояси давом эттирилди, аммо бу ҳаракат изчил ва илмий асосга таянмаган интилиш эди.

Намозхонлар ва диний уламолар араб тили ва форс тилидан воз кечишмади, Қуръонни араб тилида, ниятни форс-тожик тилида ўқишни давом эттираверишди. Диний уламоларнинг бундай муносабати туркий тил тантанасига халақит берди ва бу ҳолат давом этмоқда.

Ўзбек тилининг мустаҳкамланиш имкониятлари Ўзбекистон ҳудудида асосан адабиёт ва санъат соҳасида Иттифоқ даврида бир оз ривожлангандай кўринади. Лекин давлат ҳужжатларини рус тилида олиб бориш динамикаси доимий равишда ўсиб борган.

Мустақилликка эришганимиздан кейинги вазият ҳам ачинарли бир ҳолат, ўзбек тилида гаплашувчилар сони аҳоли сонига нисбатан, айниқса, интеллигенция қатлами орасида камайиб кетганлиги сезиларли даражага етиб борган.

Буни тахминан ўзбек миллатига мансуб аҳоли сонига нисбатан олиб қаралса, улардан 10-15 фойизи рус тилида гаплашишади, 5 фойизи инглизча гаплашади, 20-30 фойиз ўзбеклар ўзбек тилини рус тили билан аралаштириб гаплашади. Бу дегани, 50 фойиз ўзбек аҳолиси учун давлат тилини ривожлантиришнинг аҳамияти сезилмайди. 40-50 фойиз қишлоқ аҳолиси учун бирмунча аҳамиятли.

Бу ҳолат ўта фожеали ҳолатдир. Тарихий тажрибалар шуни кўрсатадики, Бугун фаол ҳаракат қилиб, давлат тилининг мавқеини кўтариб, сақлаб қолаолмасак, эртага уни батамом қўлдан бой бериш мумкин.

Тилни сақлашда халқ бирлиги жуда муҳим. Мана шу бирлик бўлмаса, ҳар қандай миллат тилини ҳалокатдан сақлаб қолиш имконияти заиф бир ҳолатга келиб қолади ва миллий давлатчиликка птур етишини барча англаб етиши зарур.

Албатта, Давлат тилини тўлақонли давлат тили даражасига кўтариш бу фақатгина соҳа мутасаддиларининггина ижро қилиши лозим бўлган масала эмас, балки барча Ўзбекистон халқининг - фуқароларининг умум вазифаси эканлигини ҳар биримиз ёддан чиқармаслигимиз ва бу ишга қамарбаста бўлишимиз лозим.

**Ўрол АБИЛОВ,**
**Соғлиқни сақлаш вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

# ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ МЕҲР-САХОВАТ КЎРСАТДИ



3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали ходимлари вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли вилоят болалар уйига бориб, жажжи болажонларга совға-саломлар улашди.

– Болалар уйида 50 нафар 0-7 ёшгача бўлган болажонлар тарбияланмоқда, – **дейди марказнинг Бухоро филиали директори Тоҳир Мусоев.** – Тарбияланувчилар орасида ногиронлари ҳам бор. Улар доимо давлатимиз қарамоғида.

**ЎзА**



# ЛЮДИ С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ ЯВЛЯЮТСЯ РАВНОПРАВНЫМИ ЧЛЕНАМИ ОБЩЕСТВА

Ежегодно в нашей стране широко отмечается 3 декабря – Международный день инвалидов. В этот день справляются о состоянии около 730 тысяч человек с ограниченными возможностями, проживающих в Узбекистане, им вручают подарки и оказывается социально-материальная поддержка. Эта дата установлена Генеральной Ассамблеей ООН в 1992 году на 47-й сессии и Законом "О социальной защищенности инвалидов в Республике Узбекистан".

По традиции в этом году тоже по всей стране проходят различные благотворительные акции и праздничные мероприятия. Стоит отметить, что все они организуются в соответствии с установленными карантинными порядками в связи с ситуацией по COVID-19.

На самом деле в нашей стране пожилые люди, лица, нуждающиеся в социальной защите, и люди с ограниченными возможностями не только в Международный день инвалидов, но всегда находятся под постоянным вниманием и заботой нашего государства и общества. Отношение к ним в корне изменилось, особенно в последние годы, а их социальная защита еще больше усилилась.

В частности, в 2016 году обеспечение техническими средствами реабилитации и протезно-ортопедическими изделиями людей, нуждающихся в социальной защите, лиц с инвалидностью и пенсионеров составило 12,0 тысяч единиц, в 2018 году этот показатель достиг до около 39,0 тысяч, то есть увеличился в 3 раза. В 2019 году эта положительная динамика сохранилась, и нуждающимся людям доставлено около 47,0 тысяч единиц технических средств реабилитации и протезно-ортопедических изделий. В 2016-2018 годах количество ветеранов войны и труда, пенсионеров и инвалидов, получивших бесплатные путевки для оздоровления в санаториях, увеличилось с 36,0 тысяч до 40,0 тысяч А в 2019 году было бесплатно оздоровлено более 43,0 тысячи лиц данной группы.

– В октябре этого года в соответствии с требованиями Конвенции ООН о правах инвалидов и международными стандартами был утвержден Закон Республики Узбекистан "О правах лиц с инвалидностью", предусматривающий также вместо слова "инвалид" использовать "лицо с инвалидностью", он вступит в силу в начале следующего года, – **говорит директор Агентства медико-социальных услуг при Министерстве здравоохранения Алишер ИНАКОВ.** – Это также показывает, что отношение к людям с ограниченными возможностями улучшается. В 2020 году в рамках карантинных мер и ограничений продолжено оказание медицинских и социальных услуг пожилым людям и людям с ограниченными возможностями. В частности, лицам с инвалидностью, нуждающимся в социальной защите, предоставлено 25,3 тысячи единиц протезно-ортопедических изделий и технических средств реабилитации. Кроме того, в реабилитационно-протезных центрах 12,8 тысячи лицам с инвалидностью оказана медико-социальная и профессионально-реабилитационная помощь, 19,8 тысяч ветеранов войны и труда, пенсионеров и лица с инвалидностью были бесплатно оздоровлены в санаториях.



Конечно, такие меры создают основу для того, чтобы люди с ограниченными возможностями были довольны своей жизнью и жили благополучно. Проявляемая к ним любовь и забота, как материальная, так и моральная, еще раз доказывает, насколько гуманны наш народ и государство.

**www.minzdrav.uz**

# ОНКОЛОГИК ХИЗМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



***Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўмагида «Ишонч» хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Унинг мақсади – онкологик касалликларга чалинган одамларга, уларнинг оилаларига, шунингдек, тиббиёт муассасаларига, саратон касаллигига чалинганларга тиббий ёрдам кўрсатадиган шифокорларнинг фаолияти ҳамда уларнинг илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлашдир.***

Таъкидлаш жоизки, фонд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 октябрда қабул қилинган «Онкологик хизматни янада ривожлантириш ва онкологик касалликларнинг кечки босқичларини бошидан ўтказаётган беморларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилди.

**Шунингдек, фонднинг мақсадлари:**

*дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий асбоб-ускуналар, тадқиқотлар, муолажалар, шунингдек протезлар, ногиронлар аравачалари ва бошқа реабилитация воситалари билан таъминлашни;*

*саратон касаллиги билан оғриётган беморларни бепул парвариш қилиш, қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ва меҳнат реабилитациясини;*

*психологик ҳуқуқий ва ахборий маслаҳат беришни ташкил этиш.*

– Ўзбекистонда кўплаб хайрия ташкилотлари мавжуд, уларнинг орасида саратон касаллигига чалинган беморларга индивидуал ёрдам кўрсатаётганлари ҳам кам эмас, – **дейди марказ бош шифокори ўринбосари, «Ишонч» фонди ижрочи директори Дилноза Агзамходжаева.** – Бизнинг мақсадимиз – беморларга тиббий ёрдам кўрсатишдан ташқари, онкологик соҳа ривожига, соғайиш кўрсаткичини янада оширишга ҳисса қўшишдир. Шунингдек, аёллар ва болалардан фарқли ўлароқ, эркаклар бундай хайрия ёрдамларини ҳар доим ҳам олавермайдилар. Кўп ҳолларда эркаклар оғир касаллик билан яккама-якка қолишга мажбур бўлади. Статистика ва амалиёт шуни кўрсатадики, ўрта ва катта ёшдаги эркак учун хайрия ёрдамини олиш анча қийинроқ кечади. Шунинг учун ҳам, «Ишонч» фонди фаолиятининг дастлабки даври учун устувор йўналиш этиб эркаклар саломатлигини яхшилашни танладик. Кейинчалик эса бошқа гуруҳ беморларни ҳам қамраб олиш, онкология соҳасида олиб бориладиган тадқиқотларни қўллаб-қувватлашни ният қилганмиз.

**Маълумот учун:** *2019 йилда юртимизда онкологик хасталиклар билан 24 648 та янги касалланиш ҳолатлари аниқланган (улар орасида эркаклар 10 511 нафарни ва аёллар 14 137 нафарни ташкил этди). Айни пайтда умумий касалланиш структурасида юқори ўринни кўкрак бези, меъда ва бачадон бўйни саратони сақлаб қолмоқда. 2019 йилда эркаклар орасида умумий касалланиш структурасида етакчи ўринни меъда, бронхлар ва ўпка, шунингдек, бош миядаги зарарли ўсмалар билан касалланиш эгалламоқда.*

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.**

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТУРМУШ ТАРЗИМИЗГА АЙЛАНСИН




**Бунинг учун кун давомида 5000 метр пиёда юриш керак.**

Ҳаммаси индивидуал. Ўз ҳолатингизга қаранг, қанча юргингиз келса, шунча юринг ва масофани ҳар куни ўртача 100 қадамдан ошириб боришга ҳаракат қилинг. Шунчаки юрмай, йўл-йўлакай ишларингизни битиринг, яқинларингизни, дўстларингизни йўқланг. Фарзандларингиз, набираларингиз бўлса эргаштиринг, дўстларингизни чорланг. Энг муҳими, бу жараёндан лаззатланишни ўрганинг, ўзингизни қийновчи машғулот сифатида қабул қилманг.

Спорт билан шуғулланиш ҳар қандай инсонни чиниқтиради, ақлини чархлайди. Айниқса, эрталабки бадантарбия жуда фойдали. Табиат қўйнида тоза ҳаводан нафас олиш, пиёда қилиш ва сайр ҳар қандай ғуборларни танадан чиқариб юборади. Доимий равишда спортга дўст тутиниш нафақат ўзи ва яқинлари учун ҳам фойдали бўлади.



***Ўз мухбиримиз***

## Объявления

# Приглашение к Торгам

**Республика Узбекистан**
**Проект: Строительство и оснащение современным медицинским оборудованием республиканских специализированных научно-практических медицинских центров**

**Закупка специализированного медицинского оборудования для республиканских специализированных научно-практических медицинских центров**
**(МКТ№: UZB-4/588/ICB/03)**

Ссылка: Заемное соглашение между Саудовским фондом развития (СФР) и Правительством Республики Узбекистан (UZB-4/588)

1. Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Саудовского фонда развития (“Фонд”) для покрытия расходов, связанных с проектом “Строительство и оснащение современным медицинским оборудованием республиканских специализированных научно-практических медицинских центров”, и намеревается использовать часть этого финансирования для выплат по контрактам на закупку специализированного медицинского оборудования для республиканских специализированных научно-практических медицинских центров.

2. Министерство здравоохранения Республики Узбекистан настоящим приглашает правомочных участников торгов представить свои запечатанные тендерные предложения на поставку следующего наименования оборудования:

| № лота | Наименование оборудования | Кол-во *(всего)* |
|---|---|---|
| 1. | Ультразвуковой A-B скан | 1 |
| 2. | Ультразвуковой биомикроскоп | 1 |
| 3. | Конфокальный сканирующий микроскоп | 1 |
| 4. | Сканирующий лазерный офтальмоскоп | 1 |
| 5. | Терапевтическая лазерная система, Тип1 | 1 |
| 6. | Терапевтическая лазерная система, Тип2 | 1 |
| 7. | Терапевтическая лазерная система, Тип3 | 1 |
| 8. | Система эксимерного света | 2 |
| 9. | Система для фототерапии, Тип1 | 2 |
| 10. | Система для фототерапии, Тип2 | 4 |

Участники торгов могут предоставить предложение, как на все Лоты, так и на любой из Лотов по отдельности. Тендерное предложение на конкретный лот должно содержать все позиции лота и 100% количества, указанных для каждой позиции лота. Тендерные предложения будут оцениваться и контракты будут присуждаться раздельно по Лотам.

Квалификационные требования включают: технический потенциал, финансовый потенциал, опыт и технические возможности. Детали указаны в Разделе III Тендерной документации.

3. Тендер будет проводиться по процедурам международных конкурсных торгов в соответствии с “Руководством по закупкам товаров и работ Арабской координационной группы” от 2001 г. и открыт для всех участников торгов из правомочных стран.

4. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить дополнительную информацию в офисе Группы реализации проекта и ознакомиться с тендерными документами по нижеуказанному адресу с 10.00 до 17.00 часов (по Ташкентскому времени).

5. Полный комплект Тендерной документации в электронном формате на английском языке будет направлен через электронный адрес sfd.ssmc@gmail.comзаинтересованным участникам торгов по предоставлению письменной заявки. Заявка должна включать наименование проекта, полное наименование, страну происхождения и адрес заинтересованного участника торгов.

6. Тендерные предложения должны быть доставлены по нижеуказанному адресу, не позднее ***15:00 часов (Ташкентское время), 01 февраля 2021 года.***Все Тендерные предложения должны сопровождаться гарантией обеспечения предложения, сумма которой должна составлять в эквиваленте:

| № лота | Сумма гарантии обеспечения предложения | Валюта гарантии обеспечения предложения |
|---|---|---|
| Лот 1 | 900.00 | Доллары СШАили эквивалентная сумма в свободно конвертируемой валюте |
| Лот 2 | 1,200.00 | |
| Лот 3 | 600.00 | |
| Лот 4 | 1,600.00 | |
| Лот 5 | 2,200.00 | |
| Лот 6 | 2,000.00 | |
| Лот 7 | 1,000.00 | |
| Лот 8 | 1,000.00 | |
| Лот 9 | 1,400.00 | |
| Лот 10 | 1,200.00 | |

Тендерные предложения, представленные с опозданием, будут отклонены. Тендерные предложения в электронном виде не принимаются. Вскрытиетендерных предложений состоится в присутствии представителей участников торгов, которые пожелают принять в этом участие, по адресу,указанному в Тендерной документации в ***15:30 часов (Ташкентское время)***, ***01 февраля 2021 года***.

**Объединенная группа реализации проектов (ОГРП) при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан**
Вниманию: Руководителя ОГРП
Республика Узбекистан, 100011 г. Ташкент, ул. Навоий, 12
**Тел. / Факс:** +99871 268-25-39 (доп.124)
**Эл. почта:** sfd.ssmc@gmail.com

# Invitation for Bids

**Republic of Uzbekistan**
**Construction and Equipping of Specialized Scientific Medical Centers with Modern Medical Equipment Project**

**Procurement of specialized medical equipment for republican specialized scientific medical centers**
**ICB No.: UZB-4/588/ICB/03**

Reference: Loan Agreement between Saudi Fund for Development (SFD) and the Republic of Uzbekistan (UZB-4/588)

1. The Government of the Republic of Uzbekistan has received financing from the Saudi Fund for Development (“Fund”) toward the cost of “Construction and Equipping of Specialized Scientific Medical Centers with Modern Medical Equipment” Project, and it intends to apply part of the proceeds of this financing to payments under the contracts for Procurement of specialized medical equipment for republican specialized scientific medical centers.

2. The Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan now invites sealed bids from eligible bidders for supply of the following equipment:

| Lot No. | Description of equipment | Quantity *(total)* |
|---|---|---|
| 1. | Ultrasonic A-B scan | 1 |
| 2. | Ultrasound biomicroscope | 1 |
| 3. | Confocal scanning microscope | 1 |
| 4. | Scanning laser ophthalmoscope | 1 |
| 5. | Therapeutic laser system, Type 1 | 1 |
| 6. | Therapeutic laser system, Type 2 | 1 |
| 7. | Therapeutic laser system, Type 3 | 1 |
| 8. | Excimer light system | 2 |
| 9. | Phototherapy system, Type 1 | 2 |
| 10. | Phototherapy system, Type 2 | 4 |

Bidders may bid for any or all Lots. A Bid for a particular lot must contain all items of the lot and 100% of the required quantities for each item of the lot. Bids will be evaluated and contracts will be awarded on Lot-by-Lot basis.

Qualification requirements include: technical capacity, financial capacity, experience and technical compliance. Additional details are provided in the Section III of the Bidding Document.

3. Bidding will be conducted through the international competitive bidding procedures in accordance with Guidelines for the Procurement of Goods and Contracting for the Execution of Works of Arab Coordination Group, 2001 and is open to all bidders from eligible source countries.

4. Interested eligible bidders may obtain further information from the Project Implementation Unit and inspect the bidding documents at the address given below from 10.00 to 17.00 hours (Tashkent time).

5. An electronic complete set of the Bidding Documents in English will be sent to interested bidders by emailmailto:idb.ses@gmail.comsfd.ssmc@gmail.comupon a written request. The request shall include the project name, full name, country of origin, and address of the interested Bidder.

6. Bids must be delivered to the address below at or before ***15:00 (Tashkent time), February 01, 2021***. All bids must be accompanied by a bid security of following amount equivalent to:

| Lot No. | Amount of Bid Security | Currency of Bid Security |
|---|---|---|
| Lot 1 | 900.00 | US Dollars or an equivalent amount in freely convertible currency |
| Lot 2 | 1,200.00 | |
| Lot 3 | 600.00 | |
| Lot 4 | 1,600.00 | |
| Lot 5 | 2,200.00 | |
| Lot 6 | 2,000.00 | |
| Lot 7 | 1,000.00 | |
| Lot 8 | 1,000.00 | |
| Lot 9 | 1,400.00 | |
| Lot 10 | 1,200.00 | |

Late bids will be rejected. Bids in electronic form will not be accepted. Bids will be opened in presence of the bidders’ representatives who choose to attend at the address specified in the Bidding Documents at ***15:30 (Tashkent time)***, ***February 01, 2021***.

**United Project Management Unit (UPMU)**
**under the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan**
Attention: Manager of UPMU
12, Navoi str., Tashkent, 100011, Republic of Uzbekistan
**Tel.:** +99871 268-25-39 (add.124)
**Email:** sfd.ssmc@gmail.com



## *Обуна – 2021*

**Хурматли муштарийлар!**
**«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2021 йил обуна мавсуми бошланди. Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!**
**Нашр индекси: 128.**

# «ZAMIN» ФОНДИНИНГ ЛОЙИҲАСИ 60 ФОИЗ БОЛАЛАРНИ КАРЛИКДАН ҚУТҚАРИШИ МУМКИН

***“Zamin” фонди Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази билан ҳамкорликда йилига 70 000 дан зиёд чақалоқ дунёга келадиган Тошкент шаҳрида синов лойиҳасини бошлади.***



Тиббиёт муассасаларида ўтказилаётган скринингнинг мониторинг ва таҳлил қилиш учун лойиҳа доирасида онлайн тизим ишга туширилди.

Янги туғилган чақалоқлар шаҳардаги 4 та болалар шифохонасида ва барча 15 та туғруқ марказларида эшитиш қобилиятининг скрининг текширувидан ўтказилиши мумкин бўлган аппаратлар ўрнатилди.

Ушбу лойиҳа 1 йиллик синов муддатидан муваффақиятли ўтгандан сўнг республикамиздаги барча туғруқ марказларига татбиқ қилинади.

“Zamin” фонди васийлик кенгаши раиси Зироат Мирзиёева лойиҳанинг дастлабки натижалари билан танишди, туғруқ марказлари шифокорлари ва янги туғилган чақалоқларнинг ота-оналари билан суҳбатлашди, уларга энг эзгу тилакларни билдирди.



***Благодарность***

# СПАСИБО ЗА ВТОРОЕ РОЖДЕНИЕ

***Многие годы страдал хроническим заболеванием сердечно-сосудистой системы. Страшно мучили боли, частые сердцебиения, по ночам бессонница не давала покоя. Временами мне казалось, что этот страшный недуг не отступит никогда и моим страданиям не придет конец.***



Недавно старый приятель рекомендовал мне обратиться к специалистам Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В. Вахидова.

В сходе интересной беседы один из сотрудников Центра рассказал, что основными направлениями научной и лечебной деятельности являются хирургия сердца и сосудов, включая реконструктивные операции. Также проводятся операции легких, пищевода и желудка. В его структуру входят отделения лазерной абдоминальной хирургии, хирургии печени, желчных путей и поджелудочной железы. Применяются передовые методы реконструктивной, пластической, эстетической, эндоскопической рентгеноэндоваскулярной хирургии. Здесь трудятся лучшие анестезиологи и реаниматологи, работает ультразвуковая, функциональная, компьютерная и лабораторная диагностика. Благодаря созданному годами научно-практическому потенциалу, тесному сотрудничеству с зарубежными коллегами разрабатываются, внедряются и успешно применяются самые передовые и высокоэффективные методы диагностики и лечения.

После этой беседы я немедленно обратился за консультацией к руководителю отделения рентгеноваскулярной хирургии и нарушений ритма сердца, доктору медицинских наук, профессору Миржамолу Зуфарову. Под его началом врачи тщательно обследовали меня и пришли к выводу о необходимости установки специального стента в сосуд, обеспечивающий мое сердце кровью. У Миржамол Мирумаровича - отличный коллектив! Замечательная команда. Низкий Вам поклон и огромная, не имеющая границ, благодарность за уникальные руки, которые справляются даже с самой сложной болезнью.



После прохождения недолгого курса реабилитации исчезли сердцебиения, боли в суставах, вернулся полноценный сон, появился аппетит. Словом, я заново родился на белый свет. Воспользовавшись случаем хочу искренне поблагодарить Миржамола Зуфарова, хирурга Собита Каримова, медицинских сестёр и всех тех прекрасных людей, избавивших меня от страшных мук. Счастья вам и долгих лет жизни!

**Норхуроз БУРОНОВ, пенсионер, проживающий в Сергелийском районе столицы.**







Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 1009 нусха. Буюртма Г-1250.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz

Топширилди – 20.00 1 2 3 4 5 6